

# ШУНДАЙ ЮРТГА БАЙРАМЛАР ЯРАШАДИ



*Юртимизда ҳуқуқий демократик давлат, кучли фуқаролик жамияти барпо этилаётган экан албатта бунда, халқимиз учун тинч, обод ва фаровон ҳаёт барпо этиш, Ўзбекистоннинг халқаро майдонда муносиб ўрин эгаллашида Асосий Қонунимиз бўлмиш Конституция мустаҳкам пойдевор бўлиб хизмат қилади. Мамлакатимиз бўйлаб Асосий Қонун, тинчлигимиз омили ва адолат устуни бўлган Конституциямиз қабул қилинганлигининг 27 йиллиги кенг нишонланди.*

Шаҳримизда ҳам сана муносабати билан Ингичка шаҳарчасида ҳамда Драма театрда байрам тадбири бўлиб ўтди. Унда шаҳримиздаги давлат ва жамоат ташкилотларининг вакиллари ҳамда кенг жамоатчилик иштирок этди.

Тадбирда сўзга чиққан шаҳар ҳокими Музаффар Хашимов қатнашчиларни байрам билан муборакбод этар экан, бугун биз яшаётган тинч ва осойишта ҳаётимизда, ҳуқуқ ва эркинликларимизнинг олий қадрият сифатида эътироф этилишида, умуман жамиятимиз, давлатимизнинг ривож ва порлоқ келажагида асосий қонунимиз Конституциянинг ўрни нақадар юқори эканлигини таъкидлади.

Шаҳримизнинг ижтимоий-иқтисодий

ривож, гуллаб-яшнаши йўлида барча соҳа вакилларининг хизматлари беқиёс эканлигини айтиш ўринли. Тадбир давомида ўз меҳнатлари билан шаҳримиз салоҳиятини янада оширишда муносиб ҳисса қўшиб келаётган ана шундай ҳам-шаҳарларимиздан бир гуруҳига шаҳар ҳокимлигининг ташаккурномалари тақдим этилди.

Тадбирнинг бадий қисмида шаҳар Маданият бўлими ҳамда 8-умумтаълим мактаби ўқувчиларининг театрлаштирилган дастури намойиш этилди. Шунингдек, пойтахтдан ташриф буюрган санъаткорларнинг чиқишлари даврага ўзгача шукуҳ бағишлади.

**Ҳилола ЭРГАШЕВА.**